

АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ПОЛИЦИЯЛАРИ ТОМОНИДАН КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

У.Б.Худайбергенов

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18481491>

Дунё ҳамжамияти жиноятчиликка қарши курашнинг ўзига хос бўлган самарали сиёсатини татбиқ этиш ҳақида қайғурмоқда. Бу борада шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчлик ҳамда инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоялаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий ва самарали тизимини йўлга қўйиш муаммолари тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, криминологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, олдини олиш чораларини яхшилаш билан ҳар ўнта жиноятнинг еттитасини олдини олишга эришиш мумкин.

Жаҳонда тараққиёт ва хавфсизликка раҳна солаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, трансмиллий жиноятлар ва ёт ғоялар таъсирининг тобора кучайиб бораётганлиги уларга барҳам бериш ва ўз вақтида олдини олиш бўйича замонавий ва самарали тизимни йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини жиноятчиликка қарши курашишнинг бош йўналишига айлантириш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш бўйича пухта ўйланган ва изчил ҳаракатларни давом эттириш зарурати ошиб бормоқда.

Айрим давлатлар, маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти турли йўллар, усуллар билан таъминланади. Ушбу соҳада ҳар бир давлат ўзига хос илғор тажрибага эга бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда юртимиз жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимига татбиқ этиш бугуннинг долзарб талабларидан биридир¹.

Д.В. Васильевнинг фикрича, жиноятчиликка қарши курашишда хориж тажрибасини ўрганиш жамиятни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва йўлларини белгилаб олиш, башариятнинг узоқ тарихий тараққиёти

¹ Зисдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2019. – 294 б. Б. 217.

жараёнидаги янглишувлар ва хато ёндашувларга қайта йўл қўйилишининг олдини олиш имконини беради².

Ҳар бир давлатнинг жиноятчиликка қарши курашиш тизими бошқа мамлакатларниқидан муайян, ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Жиноятчиликнинг хусусиятлари ва унинг олдини олишга қаратилган ривожланган мамлакатларнинг қонунлар таҳлилини амалга оширишда Америка Қўшма Штатларининг тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади, чунки у ўзига хос тизим ва илғор тажрибага эга давлат ҳисобланади.

Ўрганилаётган йўналишдаги ривожланган мамлакатлар (шу жумладан, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Австралия) тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги уларда татбиқ этилган махсус дастур ҳамда лойиҳаларга бевосита боғлиқдир. “Қўшнилар назорати (neighborhood watch)”, “Жиноятчиликни тўхтатамиз (crimes toppers)”, “Ташқи муҳитни ташкил этиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси дастури (Crime prevention through environment design (broken window) (Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташқи муҳитдан кузатув остига олиш (синиқ ойналар)”, “Safety City (Хавфсиз шаҳар)” каби дастурлар шулар жумласидан бўлиб, бугунги кунда амалиётда ижобий натижалар бериб келаётганлигини кузатиш мумкин³.

Бу каби дастур ва лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилиши ўз хусусиятига кўра барча мамлакатлар амалиётида ижобий натижа бериши шубҳасиз. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан “Хавфсиз пойтахт”, “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз туризм” аппарат-дастурий комплекси ишга туширилди.

АҚШда 40 мингдан ортиқ полиция идора-агентликлари бўлсада, мамлакатда уларнинг бошқарилишини мувофиқлаштириб боровчи марказий полиция идораси мавжуд эмас. АҚШда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш вазифалари асосан штатларга юклатилган⁴. Жиноятчиликка қарши курашишнинг «мутлақ муросасизлик» («zero tolerance») доктринаси татбиқ этилган. Илгаридан жорий этилган уч бўғинли (федерал, штат ва маҳаллий

² Васильев В.Д. Концепции организации деятельности полиции и возможности их использования в отечественной практике: По материалам США и некоторых стран Западной Европы: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2005.

³ Головкина А., Потоцкий Н. Зарубежный опыт разработки программ профилактики правонарушений // [Электрон манба]: <https://pandia.ru/text/78/094/83215.php> (мурожаат вақти: 18.01.2020 й.).

⁴ Маторов В.И. Организация деятельности по охране общественного порядка в США, странах Европы и России: Учебное пособие. – Челябинск, 2003. – С. 17.

даражадаги) ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида фаолият олиб борувчи полиция ходимларининг 60 % маҳаллий бўғин ҳисобига тўғри келади. Улар аҳоли билан бевосита ҳамкорликда иш олиб боради⁵.

XX асрнинг 90-йилларида мамлакатдаги барча инновацион ресурслар жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олган:

1) жиноятчиликни барвақт олдини олишни таъминлаш мақсадида жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашига эришиш учун полицияни маҳаллий аҳолига яқинлаштиришга қаратилган ижтимоий йўналтирилган ишларни кучайтириш;

2) ўта оғир турдаги жиноятлар учун жазо тизimini кескин кучайтириш;

3) оммавий ахборот воситаларида мурасасизлик доктринаси бўйича “Жиноят тўхтатилиши керак, содир этилган жиноят жазоланади” тамойили юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантириш⁶. Кўрилган чоралар жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи анча камайишига сабаб бўлган.

Бугунги глобалъ ўзгаришлар шароитида, жамиятнинг барча соҳалари қатори ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан соҳани ахборотлаштириш ва рақамлаштириш ҳамда ходимларнинг ИТ билимларига эга эканлиги ва уни ўз фаолиятида қўллаб олишига боғлиқ.

Афсуски, жиноятларнинг илмий таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жиноий олам вакиллари бу борада уларга қарши курашувчи ходимларга қараганда тез илгарилаб бормоқда. Бу ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг янги кўринишларига дуч келган ходимларнинг касбий билимларининг етишмаслигидан далолат беради.

Электрон криминологик хариталар АҚШ полиция бўлинмалари ишида кенг қўлланилади. Ҳар бир полиция ходимининг автомобилида патруллик қиладиган ҳудуднинг ўрнатилган электрон харитасига эга ноутбуклар мавжуд (*ниёда ходимларда планшет*). Бу хариталардаги маълумотлар ўз вақтида ва тез ўзгариб боради. Мисол учун, Шерифнинг офисидаги 911 қисқа рақамга фуқаро қўнғироқ қилиб, қуролланган шахс томонидан таҳдид бўлаётганлигини маълум қилса, ушбу маълумотнинг бевосита локацияси аниқланади ва автоматик тарзда ҳудудда хизмат олиб

⁵ Квашиш В.Е. Основные тенденции преступности в США // Научный портал МВД России. – 2012. – № 1. – С. 54.

⁶ Гордеев А.Ю. К вопросу о положительном опыте предупреждения преступлений в зарубежных странах // Matters of Russian and International Law. – 2017. – Vol. 7. – P. 117.

бораётган барча полиция ходимларининг ноутбук ва планшетларида таъминланади. Бунинг натижасида уларга дарҳол патруллик йўналишлари ва хизмат олиб бораётган жойларининг криминоген вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ўзгартирилган чизмалари юборилади ҳамда барча куч ва воситаларнинг этиборини ушбу нуқтага қаратади. Заруратдан келиб чиқиб, харитада кўрсатилган бу нуқтага яқин жойлашган барча патрул автомобиллари дарҳол воқеа жойига юборилади.

Айтиш керакки, бундай тезкорлик нафақат жиноятларни “иссиқ изидан очиш” балки, кўп ҳолларда уни барвақт олдини олишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, АҚШ полицияси ушбу криминологик хариталардан полиция бўлинмаларини бошқаришнинг аналитик воситаси сифатида фойдаланилади. Мазкур криминоген харитада маълумотлар йил давомида (балки, ундан ҳам кўп муддатда) сақланиши ёки ушбу жиноятларнинг очилган, очилмаганлигини рангларда кўрсатлиб турилиши, турли криминологик омиллар (жиной, демографик, ҳудудий ва бошқ.) ўртасидаги муносабатларни аниқлаш, жиноятларни кетма-кетлигини кузатиш, муайян “жиной нуқта”ни назоратга олиш имконини беради.

Илғор хориж тажрибаларидан кўриш мумкинки, компьютер технологиялари соҳасидаги мутахассисларнинг жиноятларни прогноз қилиш бўйича сўнгги ишланмалари эътиборга лойиқдир. Мисол учун, IBM прогноз қилиш дастурий таъминоти (Criminal Reduction Utilising Statistical History (CRUSH))ни ишлаб чиқди, ушбу дастурий таъминот келажақдаги жиноятларнинг содир этилиш жойи ва вақтини тахмин қилиш имкониятига эга.

Дастурнинг дастлабки маълумотлари илгари содир етилган жиноятлар, шахслар, белгилар, хулқ-атвор хусусиятлари ва потенциал жиноятчиларнинг жойлашуви, шаҳар ва минтақадаги умумий криминоген вазият шунингдек, разведка ва кузатув тизимлари ёрдамида олинган маълумотлар, ҳисоботлар ҳамда ушбу соҳада олиб борилган илмий тадқиқот натижаларини автоматик тарзда кенг қамровли таҳлил қилиш орқали олинади. Бундан ташқари, дастур қўшимча равишда жиноятчиликни масофадан туриб ташкил этган ёки моддий таъминланганлигига оид шунингдек, жиноятларга таъсир кўрсатувчи бошқа бир қатор маълумотларни ҳам ҳисобга олади. Масалан, йил вақтидаги маълумотлар, тирбандлик, об-ҳаво маълумоти ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бугунги кунда Буюк Британияда полиция томонидан АҚШнинг Мемфис шаҳрида илгари синовдан ўтган “Crush intelligent analysis” технологияси ўзлаштирилмоқда.

Маҳаллий полиция вакилларининг сўзларига кўра, мазкур дастурий таҳлилнинг дастлабки синовлари натижасида шаҳарда умумий жиноятчилик даражасининг 31% га ва зўравон жиноятлар сонининг 15% га камайишига олиб келган.

Илмий тадқиқотлардан маълумки, Буюк Британияда ((“Oasis”) intellectual analytics) деб номланган дастурий таъминотдан фойдаланилади. Ушбу дастурий таъминотнинг асосий мақсади, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилаётган шахсларнинг янгидан жиноят содир этиш эҳтимоли борлигини олдиндан башорат қилишдир. Ушбу прогноз қилиш жараёнида уларнинг яшаш жойи, таълими, одамлар билан бирга бўлиш қобилияти, даромад даражаси ва бошқалар ҳисобга олинади.

Лондонда 2014 йилдан буён жиноятларни олдиндан башорат қилишга мўлжалланган “Precrime” деб номланган дастурий тизим амалиётга жорий этиб келинмоқда. Тизимнинг ишлаб чиқувчиси Accenture компанияси бўлиб, у ўз эътиборини уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилаётган жиноятларни олдини олишга қаратган.

Мазкур тизим Лондоннинг барча 32 туманида жойлаштирилган бўлиб, полиция томонидан тўплаган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда автоматик тарзда статистик таҳлилни амалга оширади ва содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг жойи, вақти ва бошқа хусусиятларини башорат қила олади.

Accenture компанияси томонидан илгари Испания ва Сингапур полицияси учун ҳам “Precrime”га ўхшаш дастурий таъминотлар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу алгоритм доимий равишда такомиллаштирилмоқда ҳамда у томонидан электрон разведка прогнозлари тобора аниқроқ бўлиб бормоқда.

Сўнгги маълумотларга кўра, ушбу дастур синовдан ўтган, аммо юқори нархда эканлигидан келиб чиққан ҳолда барча шаҳарларда жорий этишнинг имкони бўлмапти.

2014-йил охиридан бошлаб Берлин полицияси немис муҳандислари томонидан яратилган “Precobs дастурини синовдан ўтказиб, бугунги кунда жиноятлар содир этилишини юқори аниқлик билан башорат қилмоқдалар.

Скрининг тизими – Жиноятчиликнинг олдини олишда қўлланиладиган технологияларни янги босқичга кўтарди десак бўлади.

Мазкур тизим Мадрид Политехника университети “Сунъий интеллектни ўрганиш бўлими” тадқиқотчилари томонидан тақдим этилмоқда. Тизим инсонларнинг видео-камера кузатиш орқали юз ифодаси ва ҳис-туйғуларидан келиб чиқиб, келгусидаги агрессив ҳаракатлар содир этиши мумкинлигини башорат қила олади.

АҚШда ҳам мазкур тизим амалиётга жорий этилган бўлиб, унинг асосий мақсади йўловчиларни хавфли ниятларини аниқлашдир. Бу тизим асосан террористик актларини олдини олишда фойдаланилади. Ушбу тизим билан ўтказилган синовларнинг биринчи босқичи 2011 йилда якунланган эди.

Дастур тадқиқотчиларнинг танқидларига ҳам дуч келган. Баъзи олимлар дастурнинг ўзига хослигини, юзда акс етган одатий ташвишлардан, юриш-туришдан зарар етказиш ниятини фарқлай оладими, деган саволга тутишади. Чунки бармоқ изларини сканерлашда ёки текшириш жараёнида кўпчилик қонуний саёҳатчиларнинг ҳам асаби бузилиши натижасида юрак уриши тезлаши мумкинлиги айтилмоқда. Брок мазкур дастур ўзини аниқлиги ва хатога йўл қўймаётганлиги билан ўзини оқламоқда. Яъни скрининг тизимининг лаборатория синовлари кўрсаткичининг аниқлик даражаси 70% дан ошиқни ташкил қилмоқда.

Полиция тизимида жиноятларни прогноз қилишга оид махсус дастурларини ишлаб чиқиш рақобатига “Microsoft” компанияси ҳам қўшилди. Компаниянинг расмий сайтларида мазкур йўналишдаги алгоритм суратдаги юз ифодасини таҳлил қилиб, унда акс етган ҳиссиётлар нисбатини ҳисоблаб, инсоннинг кайфияти ҳақида мукаммал хулоса чиқаришга қодир. Бунда инсонларнинг ғазаб, нафрат, жирканиш, қўрқув, бахт, қайғу ва ҳайрат кабилар аниқланиши мумкин. Шу билан бирга нейтрал юз ифодасининг форматини ҳамда инсоннинг ёшини аниқ айтиб бера олади

